
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Сух туман Кенгаши фаолиятига бир назар

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Сух туман Кенгаши фаолиятига бир назар

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Сух туман Кенгашининг 4 нафар ходимлари - Иттифоқ раиси И.Мастонов, ўринбосари Р.Комилов, мутахасислар Д.Муқимов ва Т.Ибрагимовлар ташаббуси билан белгиланган режалар асосида кўплаб танловлар ва акциялар ташкил этиб келинмоқда. Бундай маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва жамиятда ўрин эгаллаб келаётган Иттифоқ нуфузини янада оширишдан иборат.

Ёшлар Иттифоқи Сух тумани Кенгаши раиси ўринбосари Равшанжон Комиловнинг сўзларига кўра, йил бошидан ёшлар ўртасида кўп кўрик-танловлар ва тадбирлар ўтказилди. Йил бошида, яъни январь ойида “Камалақдан янги йил” акцияси доирасида янги йилни касалхонада нишонлаётган 150 нафар ёшларимизга байрами совғалари тарқатилди. Февраль ойида туман маданият уйида “Ёшлар шахмат тахтаси” танловининг туман босқичи ташкил этилди, ғолибларнинг вилоят босқичидаги муваффақиятли иштироклари таъминланди. Шунингдек, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик рўҳида тарбиялаш мақсадида “Ёш чегарачилар”, “Ёш кўтқарувчилар” каби танловлар доимий равишда ўтказиб келинади. Албатта, бундай танлов ва тадбирлар ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилишга қаратилган.

Ёшлар Иттифоқи Сух тумани Кенгаши томонидан ёшларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу йилнинг ўзида юртимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 5 нафар Сухлик ёшларимизнинг контракт тўловларини тўлашга Кенгаш томонидан амалий ёрдам берилди. Март ойининг 16 санасида юртимизда карантин чоралари кучайтирилган вақтдан бошлаб шу пайтгача Ёшлар Иттифоқи томонидан кўплаб онлайн танловлар ташкил этилмоқда.

9 май хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Сух туманидаги икинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳақида электрон маълумотлар базаси шакллантирилди. 30июн ёшлар куни муносабати билан "Биз бир сафдамиз" лоиҳаси доирасида тумандаги 30 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ёшлар кунида тумандаги фаъл ёшлар эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Куни кеча тумандаги 2 сектор ҳудудида буғдойдан бўшаган ерларни "Ҳар бир ёшга бир гектар" лоиҳаси асосида 10 нафар ёшларга ажратиб берилди. Шунингдек, туманда Covid19 тарқалишини олдини олиш мақсадида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ёшларимиз фаоллик кўрстишмоқда. Шунингдек, туман ёшларининг олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириш жараёнида Ёшлар Иттифоқи ходимлари барча битирувчиларга яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

Бу Ёшлар Иттифоқи Сух тумани Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлардан мисоллар холос. Ишонамизки, Сухлик ёшлар Президентимиз томонидан берилаётган эътибордан баҳраманд бўлиб, она Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишга ҳар доим интиладилар.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати